
Расмий муносабат

Телеграм ижтимоий тармоғи орқали Қува тумани Баҳор МФЙ Учтол қишлоғи 72-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Г.Маманазарованинг яшаш шароити яхши эмаслиги юзасидан қилган мурожати туман ҳокимлиги ҳамда маҳалла фаоллари иштирокида ўрганилди.

Ўрганиш давомида фуқаро Г.Маманазарова оилавий келишмовчиликлар сабабли турмуш ўртоғи билан бирга яшамаётганлиги аниқланди.

Мутасаддилар ва маҳалла фаоллари томонидан фуқаро, унинг ота-онаси ҳамда қайнона ва қайнотаси билан ўтказилган тушунтириш ишлари натижасида қайнотасининг ҳонадонига олиб кириб қўйилиб яшаши учун шароит яратиб берилди.

2022-12-09 19:34:17